



Куръон корилари хакидаги норасмий видео лавхаларда Саъд ал-Гомидий биринчилар каторини эгаллайди. Куръоннинг хотиржам охангидаги тиловати хакикатда кишини ўйлантириб кўяди, араб тилини билсангиз ёки ҳеч бўлмаганда унинг асосларидан хабардор бўлсангиз, албатта. Куръоннинг бетакрорлиги шундаки, араб тилини билмасдан туриб ҳам, у сизни ўзига махлиё қилиб кўяди. Куръон тиловатида ким илгорлиги хусусида кўп баҳс юритса бўлади, шундай бўлса ҳам сўзсиз Саъд ал-Гомидий, ҳеч бўлмаганда, Яратувчининг Мукаддас Китобини тиловат қилувчи таникли кориларнинг ўнлигига қиради ва кўпчилик бунга ҳамфикрдир.

Мухтарам шайх Саъд ал-Гомидий Саудия Арабистонининг шаркида Даммам шаҳрида хижрий 1387 йил бешинчи ойининг 19-санасида таваллуд топган, бу милодий 1967 йилга тўғри келади. Даммам шаҳрида бошлангич, ўрта ва олий ўқув юртларини тамомлаган. Аксо шаҳридаги Мухаммад ибн Сауд номидаги Ислом дорулфунунининг шариат куллиётида таълим олган. Саъд тиришкок талабалардан бири эди. Хар доим Ислом ва Куръонни ўрганиш ёзги курсларида ва шунга ўхшаш тадбирларда иштирок этиб келган. Саъд дорулфунундаги таълим давомида доим Куръонни такрорлаб турарди. Талабалик давридаёқ у чиройли овоз эгаси деб танилган эди. 1411 йилда Саъд тарових намозини имом бўлиб ўқиб берди ва бу унинг Ислом дунёсида танилишининг бошланиши эди. Айнан шу пайтда биринчи марта унинг тиловати ёзиб олинган эди. Унинг ичига: ал-Азҳоб ва аз-Зумар суралари кирган эди. Саъд ал-Гомидийнинг тиловати мусулмонлар калбидан жой олди ва айнан шу вақтдан бошлаб у машҳур бўлди. Хижрий 1410 йилда у таълим олишни ниҳоясига етказди. Хижрий 1415 йилда эса 25 ёшида Куръон сураларини тўлиқ ёд олди. Хижрий 1417 йилда Имом Хафс ривояти билан Имом Осим кироати бўйича имтиҳон(ижоза)ни топширди. Саъд ал-Гомидийнинг ўзи талабалар ва Куръонни тўлиқ ёд олмокчи бўлганларга, бу ишда шошмасликни тавсия қилади. Энг қулай муддат – 5 йил, дейди. Баъзилар айтганидек: «Ким беш йил давомида Куръонни ёд олса, уни эсдан чиқармайди».

Саъд ал-Гомидийнинг ўзига Мухаммад Сиддик ал-Миншавий ва Марван ал-Кодирийнинг Куръон тиловати ёқади. Унинг айтишича: Мен, Мухаммад ал-Миншавийнинг

тиловатидек, калбимга сингиб, хис-туйгуларимни жунбушга келтирадиган тиловатни хис этмаганман. Айникса, унинг ал-Хашр сурасининг сўнгги кисмини ўкиган вақтда. Саъд ал-Гомидий оилали. Уч ўгилнинг отаси. Сўнгги пайтларда шайх Саъд ал-Гомидий бутун дунё мусулмонлари орасида машхур бўлган нашидаларни ижро этиб келмокда.

Хуршид тайёрлади